Нурбой ЖАББОРОВ

# Замон Мезон

## Шеърият

Миллат ойнаси
Истеъдод учқунлари
Гўзал ташбеҳ, сирли руҳ
Хаёл, ҳаёт, муҳаббат
Маънавият калити
Кўзга айланган кўнгил
Зулфиқор руҳ орзуси
Кўнгил – олам меҳвари

Сканировано с CamScanner

Нурбой ЖАББОРОВ

# ЗАМОН МЕЗОН ШЕЪРИЯТ

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015

Сканировано с CamScanner

Сканировано с CamScanner

УЎК 82-95
КБК 83.3(5Ў)
Ж 13

Масъул муҳаррир: Сувон МЕЛИ,
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди*

Тақризчилар: Қурдош ҚАҲРАМОНОВ,
*филология фанлари доктори*
Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
*филология фанлари номзоди*

**Жабборов, Нурбой**
Замон. Мезон. Шеърият / Н. Жабборов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б.

Ҳар бир замон адабиёт, шеърият олдига ўз муаммоларини қўяди. Уларни ҳал этишда айни ўша даврга хос адабий-эстетик мезонларга таянилиши аён. Мустақиллик йилларида миллий шеъриятимиз тараққийси қандай тенденциялар асосида кечаётир? Шеъриятимиз ривожининг ўзига хос тамойиллари нималардан иборат? Назмий асарларни бугун қай мезонларга таяниб баҳолаяпмиз? Адабиётшунос олим, профессор Нурбой Жабборовнинг ушбу китоби шу ва шу каби саволларга берилган оҳорли жавоблари, ўзига хос илмий хулосалари билан шеърият муҳибларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Китоб олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабаларига ва барча шеърият мухлисларига мўлжалланган.

УЎК 82-95
КБК 83.3(5Ў)

© Нурбой Жабборов
© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015

ISBN 978-9943-03-577-5

Сканировано с CamScanner

# ЯНГИ ЗАМОН РУҲИ

## ШЕЪРИЯТИМИЗДАГИ ХАЙРЛИ ТАМОЙИЛЛАР

Орзудан маҳрум инсон тубанлик сари қулашга маҳкум бўлгани сингари идеалдан бебаҳра жамият ҳам таназзул гирдобига тушиши муқаррар. Инсон орзуси, жамият идеали эса адабиётда акс этади. Адабиёт миллий шаклда намоён бўлар экан, нафақат алоҳида шахсларнинг, миллатнинг орзу-идеалларини ифодалайди. Бу ҳол, адабиётнинг энг фаол тури саналган шеъриятда, айниқса, яққолроқ кўринади. Миллий шеъриятимизнинг такомиллашув тенденцияларини аниқлаш, унинг хос хусусиятларини таҳлил этиш, шеършуносликнинг замонавий мезонлари асосида баҳолаш ана шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга.

Таҳлил объектимиз – ўтган 2012 йили чоп этилган шеърий тўпламлардир. Бу тўпламларга ижодкорларнинг бошқа йилларда яратилган назмий асарлари ҳам кирган бўлиши табиий. Бу эса кузатувларимизнинг мазкур йил шеърияти билангина чекланмаганидан дарак беради.

Бир йилда жами 100 дан ортиқ катта-кичик шеърий тўпламлар чоп этилгани халқимизнинг назмга бўлган ихлосидан, муҳаббатидан далолат. Табиийки, уларнинг барчасига тўхталиш имкони йўқ. Шу боис, имкон даражасида, чоп этилган шеърий асарлардаги етакчи тамойилларни белгилаш, уларни лирик жанрлар кесимида таснифлаш ва айни тасниф асосида иш кўришга уринамиз.



Сканировано с CamScanner

Нурбой ЖАББОРОВ

# ЗаМон ЗаМезон

Шеърият

ISBN 978-9943-03-577-5

G'ULOM NOMIDAGI NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI G'AFUR

Сканировано с CamScanner